



## ЖИНОЯТ ЎЧОҚЛАРИ ХИСОБЛАНГАН ЖОЙЛАРДА, ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ВА ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ПАТУЛЛИК ТУРЛАРИ

Жўрабеков Жамшид Равшанбек ўғли  
ИИВ Академияси 3-ўқув курси 307-гурух курсанти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

**Жамоат тартиби мазмуни-** одамларнинг жамоат жойлардаги хулқ-автори, хатти-харакати ва ҳуқуқий характердаги ҳуқуқ ва қоидалар меёrlарини бажариш ва уларга риоя қилиш натижасида йиғилиб бориладиган юриш-туришларида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir.

**Жамоат тартиби** - амалдаги ҳуқуқ ва ижтимоий (аҳлоқ) нормаларга риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини кўпчиликнинг омманинг хавфсизлигини таъминлашга, худуддаги жисмоний ва юридик Ички ишлир органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш шахсларнинг нормал фаолият қўрсатиши, инсонларнинг меҳнат ва дам олишлари учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган, шунингдек уларнинг шаъни ва қадр-қимматм ва ижтимоий аҳлоқ нормаларини хурмат қилиш бўйича жамоат жойида вужудга келадиган ҳамда тараққий этиб борадиган ижтимоий муносабстлар тизимиdir.

**Патруль-пост хизмати** – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий ва маъмурий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича кўчалар ва жамоат жойларида, қўриқловга олинган маҳсулотларни кузатиб боришда, йўловчи поездларда ва белгилаб берилган жойларда муайян шакл ва усулларда хизмат ўташи. Тезкор вазияти барқарор бўлмаган, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойларда тўхташ пунктлари тайинланади ҳамда ҳар бир пунктда пиёда хизмат ўташнинг алоҳида вазифалари, вақти ва



давомийлиги, шунингдек бир пунктдан бошқасига ўтиш кетма-кетлиги, навбатчилик қисми билан алоқа қилиш вақтлари белгиланади. Мото ва велопатруль нарядларининг каттаси белгиланган хизмат ўташ тартибини, юклатилган вазифаларни, транспорт ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини сўзсиз бажарилиши ва бошқа хавфсизлик чораларига амал қилиниши учун жавобгар ҳисобланади. Мото ва велопатруль ҳаракатланиш давомида кузатувни амалга оширади, жамоат тартибига тажовуз қилувчи хатти-ҳаракатлар, шу жумладан жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда, уларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш чораларини кўриш учун тўхташи шарт.

